

11

ТАСДИКЛАЙМАН



Директори: Ш.А.Муродов

2022 йил

**Таъминотчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Муборак тумани -2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

Танлов иштирокчиси учун йуриқнома

Танлов предмет ва тахминий қиймати

1. "Қурилиш-монтаж ва таъмирлаш бошқармаси" МЧЖ Муборак тумани Саноат зонасидаги қурилиш таъмирлаш ишлари учун зарурий қурилиш молларини етказиб бериш.

Жами бошланғич сумма ККС билан бирга : 486 055 570 (Турт юз саксон олти миллион эллик беш минг беш юз етмиш сум) Танлов охириги қиймати 486 055 570 (Турт юз саксон олти миллион эллик беш минг беш юз етмиш сум). Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ҳамда қуриб чиқилмайди.

- 1.1 Таъминотчи учун қуйиладиган техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинади.
- 1.2 Ушбу танлов яқунлари бўйича голиб чиққан Таъминотчи билан шартнома тузилади.
- 1.3 Етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 банк қунигача амал қилади.
- 1.4 Етказиб бериш муддати аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. Танлов иштирокчилари

2.1 "Қурилиш-монтаж ва таъмирлаш бошқармаси" Маъсулияти Чекланган Жамияти (бундан кейин – «Буюртмачи» деб аталади – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Муборак тумани Муборак саноат зонаси.

Танлов «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. Танлов Иштирокчилари

Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар шу мазмунда хизмат курсатишга ихтисослашган қамида 2 йил тажрабага эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловга иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади.

- Курилиш молларини етказиб бериш буйича омборхона маълумотномаси.
- Илгари бажарилган ишлар буйича маълумотнома. (Уз кучлари билан)
- Тажрибага эга булган бой баркарор ташкилотлар иштирок этадилар.
- Ягона реестрга киритилмаган карздорлиги йук ташкилотлар иштирок этадилар.

1- иловага мувофик жамланма жадвал ,курилиш молларининг кайдномаси хамда асосий нархла жадвали.

2-иловага мувофик танлов предмети кийматининг камида 50 % миқдордаги айланма ма благларнинг мавжудлиги хакидаги банк маълумотномаси, ёки банк кафиллиги.

- Кайта ташкил этилиш, тугатиш, ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок,холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий карамлиги мавжуд булмаганларга. Икки ёки ундан ортик таъминотчи ташкилотлари биргаликда иштирок этишларига рухсат этилмайди.Соликлар ва бошка мажбурий туловларни тулаш буйича карздорликнинг мавжуд эмаслиги тугрисида маълумотнома.Банкдан муддати утган кредит карздорлиги хамда бошка карздорликнинг мавжуд эмаслиги тугрисида маълумотнома.Охирги 3 йилги тасдиқланган таъминот ишларининг кабул килинганлиги тугрисидаги хужжатлар.Изох: Харид иштирокчисининг чегирмаси бошлангич нархга нисбатан ун фоиздан куп булган тақдирда, ушбу иштирокчи харид жараёнидан четлатилади.Танлов буйича таъминотчининг хисобида камида бошлангич нархга нисбатан эллик фоиз пул маблаг мавжуд булиши керак.

4.Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш.

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон курунишда порталга электрон танловлар утказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи » ва «Иштирокчи» ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник кисм,Буюртмачи томонидан куйиладиган вазифалар,ишлар курсатилиши керак.

Нархлар кисми Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари тулов талаблари ва якуний туловлар хамда бошка курсатгичлар курсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари хар бир таклифни электрон тарзда etender.uzex.uz махсус электрон савдо порталида жойлаши лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб килинади: Техник ва нархлар буйича таклифлар.

4.5. Танлов иштирокчиси факат бита таклиф бериши мумкин.Такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва хакконийлигига узи жавобгар булади. Таклифларни бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш хукукига эга.

5.Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Давлат харидларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва аосоланган карор кабул килиш буйича мажбурдирлар.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилигига жавобгардир.Голиб иштирокчи деб топилганидан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузадилар.

6. Бошка шартлар

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартириш киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Танловни узгартиришга йул куйилмайди.Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вахта агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартириш киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси Давлат Буюртмачисига танлов буйича узини кизиктирган саволлари буйича танлов тугашидан камида икки кун олдин мурожат килишга хакли

6.3. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.

Ж.Алмардонов

М.Жураева

О.Яхшиев

М.Хамроев

Ш.Рузиев

К.Тухтаев



Handwritten signatures of the listed individuals on horizontal lines.